Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

3 июль, пайшанба, 1997 йил
Сотувда эркин нархда. № 140 (1657)

ҒАЛЛА ЎРИМ-ЙИҒИМИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЗАРУР

Республикамиз деҳқонлари бу йил ғалладан мўл ҳосил етиштирдилар. Хирмонга тўкилган дон миллион тоннага етай деб қолди. Аммо ҳосилнинг ярмидан кўпи ҳали далада. Уни нест-нобуд қилмай, қисқа фурсатда саранжомлаб олиш зарур.

Республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида 2 июль куни сим орқали ўтказилган кенгашда ана шу ҳақда гап борди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, барча вилоят, туман ҳокимлари, хўжалик раҳбарлари, тегишли ташкилот ва идораларнинг вакиллари иштирок этди.

Кенгашни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков бошқарди.

Кенгашда қишлоқ хўжалик мажмуидаги кўпгина соҳаларда аҳвол кўнгилдагидек эмаслиги таъкидланди. Айрим туманлар ва хўжаликлар раҳбарлари фаолиятида ташаббускорлик ва ташкилотчилик етишмаётганлиги ғалла ўрим-йиғимида ҳам, хашак тайёрлаш, ғўза парваришида ҳам кўзга яққол ташланмоқда.

Ҳисоб-китобларга қараганда, республикада мавжуд техника воситаларидан тўлиқ фойдаланилганда, бугунга келиб ўрим-йиғим ишлари ниҳоялаб қолган бўларди. Лекин талайгина хўжаликларнинг раҳбарлари мавжуд комбайнлар ва ишчи кучидан унумли фойдаланиш ўрнига, турли баҳоналарни рўкач қилмоқда. Бунинг оқибатида ўрим-йиғим ҳал қилувчи паллага кирган ҳозирги вақтда комбайнларнинг бекор туриб қолишига йўл қўйилмоқда. Чимбой, Кегайли, Пахтакор, Жиззах ва бошқа туманлардаги хўжаликларда бу борадаги иш, айниқса, қониқарсиз ташкил этилган. Ваҳоланки, ғалла ўрим-йиғимининг кечикиши унинг талон-торож қилинишига сабаб бўлиши мумкин.

Кенгашда уруғлик ғалла жамғариш, ҳосилдан бўшаган ерларни пешма-пеш шудгорлаб, такрорий экинлар экишни жадаллаштириш шу куннинг долзарб вазифаси эканлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Чорва учун ем-хашак жамғариш ишлари ҳам ўлдаржўлда қолмоқда. Бу йил баҳор серёғин келиши натижасида табиий хашак мўл бўлди. Шунга қарамай, Навоий, Хоразм вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида ем-хашак тайёрлаш айниқса оқсамоқда.

Шу нарса алоҳида таъкидландики, ғўзага ишлов беришда ҳам анча камчиликларга йўл қўйилаётир. Натижада кўпгина хўжаликларда пахта ривожи кечикиб, 30-35 фоиз майдонда ғўза эндигина гулга кирди.

Сим орқали мулоқотда бор имкониятдан фойдаланиб, ғалла ўрим-йиғимини қисқа фурсатда тугаллаш, ғўза парвариши ва емхашак тайёрлашни янада жадаллаштириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Кенгашда республика Бош вазирининг ўринбосарлари А. Муҳиддинов, М. Усмонов, Р. Юнусов, Қ. Ҳаққулов қатнашди.

П. НИШОНОВ,
ЎзА мухбири.

● *МУСТАҚИЛЛИК ИНШООТЛАРИ*

АСАКА АВТОМОБИЛЛАРИ УЧУН ЎРИНДИҚЛАР

Андижон вилоятида яна бир йирик Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонаси ўз фаолиятини бошлади



«Ўз-Тонг Хонг Ко» деб ном олган ушбу қўшма корхона мамлакатимиз автомобилсозлик саноатининг илк қалдирғочлари -- «Тико», «Дамас» ва «Нексия» автомобиллари учун ўриндиқлар ишлаб чиқаради. Заводнинг тўртта суперлинияси йилига 200 минг донагача юқори сифатли ана шундай маҳсулот тайёрланади. Бу эса Асака автогигантининг эҳтиёжини тўла қоплайди.

Бугунги кунда ўриндиқ ишлаб чиқариш учун керак бўладиган деталларнинг 70 фоизи заводнинг ўзида тайёрланмоқда. Бу эса маҳсулот таннархининг нисбатан арзон бўлишини таъминлаши табиийдир.

Айни пайтда қўшма корхонада 400 дан ортиқ ёш мутахассис меҳнат қилаяпти. Улардан 280 нафари Жанубий Кореянинг учта заводида ишлаб чиқариш малакасини ошириб қайтишган.

СУРАТЛАРДА: *(чапдан) бош менежер Саидмухтор Меҳмонов, сифат назорати бўлими бош менежери Хи Жун Ким ва ишлаб чиқариш менежери Сайдулло Ҳакимов тайёр маҳсулотнинг сифатини кўздан кечиряпти; ёш мутахассис Хусниддан Имомов; қўшма корхонага йўл мана шу ердан бошланади.*

Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.

● *ВАТАН ПОСБОНЛАРИ*

ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ ЗОБИТЛАР

Миллий хавфсизлик хизмати институтида олий таълим курсини тугаллаган зобитларнинг биринчи битириш тантаналари бўлди.

Ўзбекистон мустақил давлат деб эълон қилинганидан сўнг Президент Ислом Каримов ташаббусига биноан ташкил этилган бу олий ўқув юрти Тошкентдаги шу йўналишдаги махсус ўқув юрти ўрнида вужудга келди ва тез орада республиканинг энг обрўли махсус ўқув юртлари қаторидан жой олди. Институтни битирувчилар дипломида махсус ҳарбий билимлардан ташқари хорижий тилларни биладиган ҳуқуқшунос юрист касбини эгаллагани ҳам ёзилган.

Институт ўқув майдонидаги хайрлашув марш-парадидан сўнг тантанали маросимда Миллий хавфсизлик хизмати раиси, генерал-лейтенант Рустам Иноятов битирувчиларни табриклаб, уларга олий ўқув юртини битиргани тўғрисидаги дипломларни топширди ҳамда ўз Ватанини ва унинг халқи хавфсизлигини ҳимоя қилишдек олижаноб офицерлик хизматида уларга муваффақият тилади. Тантанада миллий хавфсизлик хизмати фахрийлари, бир қанча давлат тузилмалари ва ўқув юртларининг, жамоат ташкилотларининг вакиллари, битирувчиларнинг ота-оналари ёш зобитларни самимий қутлаб, уларга оқ йўл тиладилар.

Маросимда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Бахтиёр Ғуломов иштирок этди.

... Бу -- республика миллий хавфсизлик ҳизмати тизимидаги иккинчи шундай тантанадир -- Тошкент олий чегарачилар билим юртида ҳам дастлабки мутахассислар тайёрлаб чиқарилди. Билим юртини битирган дипломли чегарачи зобитлар ва юристлар хизмат жойларига -- Ватанимиз сарҳадларидаги заставаларга ва бўлинмаларга жўнаб кетишди.

Альфред БАРАНОВ.
(ЎзА).

● *ҚАРОР ВА ШАРҲ*

БИЛИМДОНЛИК, ЭҲТИЁЖ, ЕТУКЛИК

Вазирлар Маҳкамасининг кеча эълон қилинган «1997 — 98 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юртларига қабул тўғрисида»ги қарорида ана шундай талабларга амал қилишни таъминлаш кўзда тутилган

Янги аср бўсағасида ўз ички имкониятларини, улкан салоҳиятини эркин ва демократик жамият қуриш йўлида қатъий сафарбар қилишга киришган ва учинчи минг йилликка оламшумул режалар билан қадам қўяётган юртимизда замонавий билимлар ва кўникмаларга эга бўлган юқори малакали мутахассислар тайёрлашга жиддий эътибор берилмоқда.

Келажагимизга дахлдор бўлган бу умуммиллий, умумдавлат вазифасига таллуқли ҳар бир тадбирга ўта талабчанлик, ўта масъулият билан ёндашилмоқда. Бу мезонни «1997/98 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юртларига қабул тўғрисида»ги ҳукуматимиз қарори билан танишиб яна бир марта ҳис қилиш мумкин. Ҳужжат замонавий талабларни, бозор иқтисодиёти шарт-шароитларини, олий маълумот олишда қобилиятли ёшларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда ўқув юртларига абитуриентларни сифатли танлаб олиш мақсадини ўзида мужассамлаштирган. «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни тузиш» комиссиясининг йиғилишида Президентимиз томонидан таъкидланганидек, «Мамлакатимизда ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг тақдирида, одамлар дунёқарашининг ўзгаришида, буюк давлат барпо этишдек олийжаноб орзумизнинг рўёбга чиқишида замон талабларига жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади».

Қарорда қабул жараёнида олдинги йилларда эришилган ижобий тажрибаларни мустаҳкамлаб бориш билан бирга яна ҳам замонавий ва дунё мезонларига мос келувчи талабларни жорий этиш кўзда тутилган. Энг асосий янгиликлардан бири -- олий ўқув юртларига талабалар танловида тўлов-контракт асосидаги қабул учун давлат грантлари миқдори билан тенг имкониятлар яратилганидир. Бу, биринчи навбатда, давлат грантлари бўйича қабулнинг халқ хўжалиги эҳтиёжларига мувофиқлигини тартибга солади, иккинчидан, тўлов-контракт асосидаги қабул орқали бозор иқтисодиёти шароитига мос рақобатчилик муҳитини яратади, учинчидан, олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлайди. Шундай қилиб, 1997-98 ўқув йилида давлат грантлари асосида таълим йўналишлари бўйича 21 минг, шунингдек, шунча миқдоргача тўлов-контракт асосида талабалар қабул қилинади. Мутахассисларнинг фикрича, бунчалик миқдордаги талаба қабул қилиш ва ўқитиш бир вақтлар 45-50 минг нафаргача илми толибларга сабоқ берган мамлакатимиз олий таълим салоҳияти учун оғирлик қилмайди.

Албатта, тўлов-контракт асосида талаба қабул қилиш имкониятлари таълимнинг тўлиқ қийматини тўлаш қобилиятига эга бўлган ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахснинг буюртмаси сўзсиз инобатга олинади, дегани эмас. Бундай қабул ҳам «мазкур тоифадаги абитуриентлар ўртасида тест синовлари натижаларидан келиб чиққан ҳолда» амалга оширилади. Яъни, тўлов-контракт асосида ҳужжат топширган абитуриентлар учун ҳам тест синовлари ўтказилади ва энг юқори натижаларга эга бўлганларгагина студентлик бахти насиб этади. Шу ўринда савол туғилиши мумкин: бундай абитуриентлар алоҳида гуруҳларга жамланадими? Ҳужжат топшириш тартиблари қандай бўлади? Масаланинг ана шундай жиҳатлари қарорда белгилаб қўйилган. Ўқув юртларига қабул қилиш бўйича давлат комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги бошқа тегишли вазирликлар ва идоралар билан бирга бир ҳафта мобайнида қайта кўриб чиқиладиган низомда акс этади. Низом тасдиқлангандан кейин матбуотда эълон қилинади. Шуни таъкидлаш жоизки, ҳозиргача пуллик қабул билан боғлиқ турли англашилмовчиликларга барҳам берувчи бундай ҳужжат (низом) матбуотда эълон қилинмаган эди. Холислик ва ошкораликни таъминлаш учун жорий қилинаётган бу усул жамоатчиликка маъқул тушиши аниқ. Шунингдек, низомда томонларнинг жавобгарлиги ҳам аниқ белгилаб қўйилади, уларнинг масъулияти оширилади. Жумладан, тўлов-контракт асосида қабул қилинган талаба ўқув режани бажара олмаса ёки буюртмачи томон белгилаган маблағни муддатида тўламаса, шартнома ўз-ўзидан бекор бўлиб кетаверади.

Қарорда олдинги йилларда амал қилинган талабаликка ҳар бир ихтисослик бўйича энг кам миқдорда ва абитуриент тест синов натижасида тўплаган балларни ҳисобга олган ҳолда рейтинг тизими бўйича қабул қилиш шартлари сақлаб қолинганлиги таъкидланган.

Яна бир янгилик. Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги янги йилдан эътиборан тегишли муассасалар билан ҳамкорликда ҳар йили 1 февралга қадар кадрларга бўлган талаб-эҳтиёжларни ҳисобга олиб чиқадилар ва мутахассислар тайёрлаш бўйича таклифлар киритадилар. Бундай ёндашув кадрлар ишсизлиги -- бўш ўринлар сингари номутаносибликларга чек қўяди.

Лўнда қилиб айтганда, Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори мамлакатимиз олий ўқув юртларида таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш, кадрлар тайёрлаш ишларини бозор иқтисодиёти шарт-шароитларига мувофиқ ташкил этишга қаратилган муҳим ҳужжатдир.

Ҳаким САТТОРИЙ.

КАТТА ХИРМОН

Музрабод Сурхондарё вилоятида энг кўп ғалла етиштирадиган туманлардан бири. Туман меҳнаткашлари шу кунгача 24 минг тонна ғалла тайёрлаб, йиллик шартномани бажардилар. Бу улкан хирмонга, айниқса, «Қўнғирот», А. Набиев номли, «Навбаҳор» ҳамда «Янгиобод» жамоа хўжаликлари катта улуш қўшдилар.

Ўз мухбиримиз.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

САМАРҚАНД:

ЯНА БИР ҚЎШМА КОРХОНА

«Самарқандконсерва» заводи негизида яхна ичимликлар ишлаб чиқарадиган қўшма корхона ташкил этилмоқда.

Лойиҳа Чехиянинг «Ян Догноль пульс» фирмаси билан ҳамкорликда амалга оширилаётир. Чет эл-дан янги ускуналар аллақачон келтирилган. Уларни ўрнатиш ишлари жадал олиб борилмоқда.

М. МУҚИМОВ.

АНДИЖОН:

ЁШЛАР ВА ЖАМИЯТ

Бу ерда турли ташкилотлар, жамғармалар, ўқув юртларининг вакиллари иштирокида ўтказилган йиғилиш ёшлар тарбияси муаммоларига бағишланди.

Вилоятда ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш, улар учун янги иш ўринларини ташкил этиш борасида хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Андижон шаҳрида йигит-қизларга замонавий касбларни ўргатишга ихтисослашган 4-ҳунарлицей очилди. Умумтаълим мактаблари битирувчиларининг тенг ярми иш билан таъминланди.

Анжуман иштирокчилари ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий шароитларини яхшилаш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, йигит-қизларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга эътибор қаратдилар.

О. ШОДМОНАЛИЕВ.

ҚАШҚАДАРЁ:

ЎЗИ ТЕБРАНАДИГАН... БЕШИК

Шаҳрисабздаги «Янги ҳаёт» умумтаълим мактабининг физика фани ўқитувчиси Абдунаби Чориев ўзининг ўткир зеҳни, мушоҳадаси билан ҳамкасблари ўртасида обрў қозонган. У яратган қатор ихтиролар вилоят, республика техникалар маркази томонидан яхши баҳоланиб, совринли мукофотларга тақдим этилган.

Яқинда шаҳар болалар шифохонасида Абдунаби Чориевнинг янги ихтироси -- автоматик тарзда тебранадиган бешик синовдан ўтказилди. Шуниси диққатга сазоворки, у 12 вольтли кучланишдаги электр қуввати билан ҳаракатга келади. Электр бўлмаган жойларда эса, оддий батареядан ҳам фойдаланиш мумкин.

Бундан ташқари, чақалоқ уйғониб, безовталанган тақдирда бешик ўзўзидан тебранади. Бола очиқиб, йиғлаганда сигнал бериб, онани ҳам «чақириб» олади.

П. ҒАДОЕВ.

ФАРҒОНА:

ЯНГИ ИЛМИЙ МАРКАЗ

Вилоят ҳокимининг қарорига биноан, бу ерда фан ва техника илмий маркази ташкил этилди.

Янги марказ вилоятда мутахассисларнинг илмий-техникавий салоҳиятини кучайтириш, шу тариқа ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Бу борада Фарғона политехника институтида яхши тажриба тўпланган. Шу боис мазкур институт илмий марказ учун бош маскан этиб белгиланди.

Н. СОБИР.

БУХОРО:

МЕВА... ВАЛЮТАГА СОТИЛАДИ

Пешку туманидаги «Нишона» хусусий корхонасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қуритиш цехи ишга туширилди.

40 нафар ишчи меҳнат қиладиган бу цехда йилига 200-250 тонна узум ва бошқа неъматлар қуритилиб, замонавий полиэтелин пакетларга қадоқланади.

Бундай маҳсулотлар яқин хорижий мамлакатларга валютага сотилади. Шу мақсадда Россиянинг Новосибирск шаҳри билан шартнома тузилди. Маҳсулот сотишдан тушган маблағ ҳисобига эса янги технологиялар харид қилинади.

М. ОТАБОЙ.

ЭЪТИРОФ

ЎЗБЕКИСТОН МАЪНАВИЯТ МАСАЛАСИДА БУЮК БРИТАНИЯГА ДАРС БЕРИШИ МУМКИН

Яқинда мен Европа ҳамжамиятининг ТАСИС дастури бўйича Самарқандда раҳбар вазифасида иш олиб борган Буюк Британия фуқароси Вин Райлли билан учрашдим. Бу инсон таълим соҳасида, хусусан, бизнес-менежментни ўқитиш бўйича 40 йиллик тажриба эга, юқори малакали мутахассис ҳисобланади. Ватанига жўнаб кетиши олдидан Ўзбекистон давлати ҳақида, унда рўй бераётган ислоҳотлар тўғрисида ўз шахсий фикрини айтиб кетишни лозим топди.

Бундан чамаси икки ой аввал Вин Райлли билан илк бор учрашган эдим. Биз Ўзбекистонда ишлаб чиқилаётган кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур ҳақида атрофлича гаплашгандик.

Аввало, таълим тўғрисида гапирадиган бўлсак, Ўзбекистонда бу борада жуда катта ишга бел боғланган. Давлат сиёсати ва бошқарувининг энг юқори поғоналарида таълим-тарбия масалаларига устувор йўналиш сифатида қаралади. Бошқа давлатларнинг тажрибасидан биламанки, бундай сиёсий мададсиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётда ютуқларга эришиш жуда қийин.

-- Менинг, -- деди Вин Райлли, -- ўзбек халқига ҳурматим тобора ошиб бормоқда. Сабаби -- бу халқ ўз маънавиятига катта эътибор билан қарайди, ёш авлодни буюк аждодларининг бой маънавий ва маданий меросларини асосида тарбиялашга ҳаракат қилмоқда. Афсуски, Ватанимда кўпчиликнинг фикри-хаёли бизнесда, одамлар ўз қадриятлари -- маънавиятини унутиб бормоқда. Муболағасиз айтаманки, Ўзбекистон маънавият масалаларида Буюк Британияга ўрнак бўлиши, унга дарс бериши мумкин. Мен республикангизда ишлаб, бунга комил ишонч ҳосил қилдим.

Четдан шундай сўзларни эшитганда, беихтиёр ўз халқинг учун ғурурланасан киши. Ҳақиқатан, Вин Райлли гапларида жон бор, жамиятнинг бойлиги фақат унинг моддий фаровонлиги билан ўлчанмайди. Шундай экан, яқин келажакда ўзбек халқи бошқа давлатларга нафақат маънавиятдан дарс бериши, балки ҳар томонлама кучли давлат барпо этиш масаласида ҳам ўрнак бўлиши турган гап. Зеро, юксак маънавиятсиз келажак йўқ!

Алишер КАРИМОВ.

● *1997 ЙИЛ -- ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ*

Халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш, қабул қилинаётган янги қонунларни аҳолининг кенг қатламига чуқурроқ етказиш бугунги куннинг даъватига айланган. Бу ҳақда Президентимизнинг ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунослар ва журналистлар билан учрашуви чоғида катта урғу берилди. Дарҳақиқат, осойишталик таъминланган мамлакатда инсон ҳуқуқларини муҳофаза этиш жамиятнинг бирламчи ўзагига айланиши шубҳасиз. Мустақил мамлакатимизда қонун устуворлиги йўлида демократик тамойиллар, янги ислоҳлар амалга оширилаётганлиги сир эмас. Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари, милиция полковниги Нарзулла ЖУМАНОВнинг бугунги мулоҳазалари ҳам ана шу хусусда.

ҲУҚУҚИЙ САБОҚ

ИНСОН ШАЪНИ — МУҚАДДАС

-- Инсон шаъни -- муқаддас. Ҳаётнинг маъноси ҳам инсоннинг камолотга эришувида эмасми? Зотан, ҳаёт тарзимизнинг гўзаллиги ҳам инсонларнинг тотув яшаши, ўзаро муштараклигидандир. Қаерда осойишталик таъминланган бўлса, у ерда инсон ҳурлиги ва эркинлиги кафолатланади. Президентимиз мустақиллик пойдеворига ғишт ташланган илк кунларнинг бошидаёқ ҳуқуқий демократик жамият қуриш ҳақида гапирган эди. Бугунги кунда эса ана шу адолатпарвар ғоянинг ширин мевасини тотмоқдамиз.

Фуқароларнинг ўзлигини англаши, ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза этиши, мунозарали баҳсларга адолатли ёндашишида ҳуқуқий билимлар асқотади. Ўз ҳуқуқини билмаган фуқаро ғилдираксиз машинага ўхшайди. Яъни ҳеч бир янгиликни қўллаб-қувватлашга ўзида куч топмайди, ўз ўрнида шахсий мулоҳазалари билан ўртоқлаша олмайди ҳам. Қабул қилинаётган янги қонунлар нафақат маълум доирадаги мутахассислар, балки оммани назар-эътиборида бўлиши лозим. Қонунни ҳурмат қила билган одамларгина адолат этагидан тутадилар, бошқаларга ибрат бўла оладилар. Шу мақсадда бошқарма раҳбарияти вилоятимиз аҳолиси ўртасида ҳуқуқий мавзуларда ошкора мулоқот тарзида учрашувлар ўтказмоқда. Янги қабул қилинаётган қонунлар ҳақида атрофлича тушунчалар бериб, унинг афзаллиги инсон ҳуқуқларини муҳофаза этишга қаратилганлигини таъкидламоқдамиз. Қонунга таянган фуқаро ҳеч қачон ютқазмайди.

Фуқаролар хотиржамлиги, тинчлиги хизмат фаолиятимизнинг муҳим мундарижасини ташкил этмоқда. Ҳар қандай кўринишдаги жиноятларнинг пайи қирқиларверса, осойишталик тўлақонли тарзда таъминлана боради. Изчиллик билан амалга оширилаётган тезкор тадбирлар, жиноятнинг «иссиқ из»ларини ўз вақтида ўрганиш, суриштирув ишларини пухта ва аниқ амалга ошириш, жиноятчиликнинг илдизига зарба беришга олиб келмоқда. Айниқса, оғир турдаги жиноятлар ўтган йилнинг 5 ойига нисбатан анча камайди. Бундан ташқари, босқинчилик, талончилик ва шунга ўхшаш бошқа жиноят турлари ҳам кескин қисқарди. Қотиллик жинояти ўтган йилнинг 5 ойида 24 тага етган эди. Бу йил эса ушбу жиноят 10 тага камайди. Бунинг асл сабаби, милиция ва халқ ҳамкорлигининг кучаяётганлигидадир. Жойларда ошкора мулоқот тарзида суҳбатлар, учрашувлар ташкил этдик. Анкеталар сўрови асосида аҳолининг фикр-мулоҳазаларини ўрганиб чиқдик.

Қасддан одам ўлдириш ҳолатлари иқтисодий тақчиллик эмас, балки оилавий можаролар, ичкиликбозлик, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш, рашк каби иллатлар туфайли содир этилиши кузатилди. Айрим ҳолатларда эса тўқликка шўҳлик қилиш қабилида юқоридаги мудҳиш жиноятлар содир этилган. Жумладан, фуқаро Маҳмуд Раимбердиев икки ҳамтовоғи билан оғир жиноятларга қўл урган. Дастлаб фуқаро А. Субҳонқулов деган шахснинг «Жигули» автомашинасини қўлга киритишиб, ўзини қўл-оёғини боғлаб юкхонага ташлашади. Кейин Қашқадарёга чўктиришмоқчи бўлганда, фуқаролар шарпасидан чўчиб, воқеа жойидан жуфтакни ростлашади. Ву уюшган гуруҳ сўнгра Қарши шаҳрида яшовчи Г. Зиминнинг уйига бостириб кириб, уни қийнаб ўлдиришади ва машинасига эгалик қилишади. Ходимларимизнинг тезкор ҳаракатлари туфайли қотиллик жинояти фош этилди. М. Раимбердиев ва унинг ҳамтовоқлари жиноий жавобгарликка тортилди.

Инсон заҳмати эвазига топилган мулк қадрлидир. Унинг ўғирланишига йўл қўймаслик, аввало, фуқароларнинг ўзига боғлиқ. Ўғирлик ҳолати содир этилдими, милиция оёққа қалқийди. Тезкор саъй-ҳаракатларимиз туфайли хонадонларда содир этилаётган ўғирликлар, транспорт воситаларини олиб қочиш жинояти камайди. Аммо бизни ташвишлантирадиган бир муаммо ҳамон ўз ечимини кутмоқда. Бу чорва молларининг ўғирланиши ҳолатидир. Кўпгина фуқароларимиз ўзларига тегишли чорва молларини қаровсиз ҳолда далага ҳайдаб юборадилар. Ҳатто ҳафталаб хабар олишмайди. Анча вақт ўтгандан кейингина молларининг йўқолганлиги ҳақида ички ишлар идораларига мурожаат қилишади. Биз маҳалла ва фуқаролик йиғини кенгаши раҳбарлари, фаоллари билан ҳамжиҳатликда тадбирлар ишлаб чиқдик, фуқароларни огоҳлантирдик. Кузатув постлари, таянч пунктлари ўрнатдик.

Ақл-заковатнинг душмани, наслни абгор этувчи, хотирани сусайтирувчи, бир сўз билан айтганда, аср вабоси -- гиёҳванд моддаларнинг ҳаракатда бўлишига қарши қатъий кураш олиб бормоқдамиз. ДАН постларида текшириш ва назорат ишлари ўрнатилган. Айниқса, қўшни Тожикистон Республикасидан вилоятимиз ҳудуди орқали Россия ва бошқа ҳамдўстлик мамлакатларига бу заҳри қотилни олиб ўтиш содир этилмоқда. Қаттиқ тартибда назорат ўрнатишимиз туфайли айрим жиноятчилардан йирик миқдорда хавфли наркотик моддалар ушлаб қолинмоқда.

Жумладан, шу йилнинг 5 ойида жами жиноятчилардан 17 килограмм 390 грамм гиёҳванд моддалар тортиб олинди ва мусодара қилинди. 118 та ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилди. Кўпгина жиноятчилар суд ҳукми билан жиноий жавобгарликка тортилдилар.

Ислоҳотлар жараёнида давлатнинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш ҳуқуқ-тартибот идораларининг муқаддас бурчи. Бу жараёнда ички ишлар тизимлари фаол иштирок этмоқда. Ғайриқонуний равишда тадбиркорлар ҳаракатига тўғаноқ бўлаётган ёки атай йирик талон-торожликларга йўл қўяётган жиноятчи тўдаларга қақшатқич зарба берилмоқда.

Шу ўринда айтиш керакки, мустақил давлатчилик сиёсатига салбий таъсир этувчи куч порахўрликдир. Оддий инсоний лафзини таъмага алиштирган жирканч кимсаларнинг қора қилмишларига тузоқ қўйилмоқда. Жумладан, «Қарши» очиқ ҳиссадорлик жамияти раисининг ўринбосари Раббаноқул Амиров 35 тонна шакарни Бухоро шаҳридаги «Шуҳрат» кичик корхонасига сотиш жараёнида 70 минг сўм пора олаётганда коррупция, рэкет ва терроризмга қарши кураш бошқармаси ходимлари томонидан қўлга олинди. Р. Амиров вилоят суди ҳукми билан узоқ муддат қаттиқ режимда жазони ўтайдиган бўлди.

Зўравонлик -- инсон қадрини топташ, хўрлаш ва ҳақоратлашдир. Билагига кучи сиғмаган айрим кимсалар бировларни қўрқитиш эвазига бойлик орттиришни эп билади. Бундайларнинг калтабинлиги ҳамиша ўзига панд берган. Жумладан, Қарши туманида яшовчи Убайдулла Набиев фуқаро Холмўмин Эгамбердиевни қўрқитиб, товламачилик йўли билан ундан 500 минг сўм талаб қилади. Аммо тезкор ходимларимизнинг саъй-ҳаракатлари билан у 100 минг сўм пулни олаётганда ушланди. Бу шахс устидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Иқтисодий жиноятчиликка қарши муросасиз кураш шиоримиздир. Халқимиз пешона тери эвазига етиштирилган маҳсулотларнинг қонунсиз ва ҳужжатсиз четга чиқиб кетишига мутлақо йўл қўйилмайди. Ҳар бир қўрғоннинг ўз дарвозаси борлигини унутмаслигимиз керак.

Милиция хизмати вақт билан чегараланмаган. Осойишталик посбонларини ижтимоий-ҳуқуқий муҳофаза қилиш муҳимдир. Зеро, инсон руҳий, маънавий покланиб турса, унинг ишида унум ва барака бўлади. Ходимларимиз хизмати ҳамиша рағбатлантириб борилади. Бу ўринда «Нуроний» жамоатчилик жамғармасининг тузилиши айни муддао бўлди. Негаки, бизда хизмат муддатини ўтаган, аммо ҳали навқирон ходимлар мавжуд. Уларнинг бўш вақтларини беҳуда ўтказмаслик мақсадида маҳаллий ҳокимликлар билан келишиб, 25 гектар ер майдони ажратиб бердик. Шунингдек, майда корхоналар ташкил этилаяпти. Бу эса боқувчисини йўқотган айрим оилалар, ногиронлар, шунингдек, уруш қатнашчиларига моддий ёрдам кўрсатишда асқотмоқда.

Ўроз ҲАЙДАРОВ
ёзиб олди.

● *ҲАМКОРЛИК*

«БЕЙЕР» ТЕХНОЛОГИЯСИ ЧЎЛҚУВАРЛАРГА МАЪҚУЛ

Германиянинг «Бейер АГ» фирмаси мавжуд шартномага кўра, деҳқонларимизга уруғлик дон ва чигитни ҳар хил касалликлардан асрашда экинларни кемирувчи ва сўрувчи ҳашаротларга қарши эмлашда ишлатиладиган кимёвий дорилар етказиб бермоқда.

Пахтакор туманидаги «Навбаҳор» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасида алоҳида майдонга тажриба тариқасида «Раксил» моддаси билан дориланган дон экилиб, шу ерга ҳашаротга қарши «Булдок» инсектициди ва занг касалини бартараф этувчи «Фолинур» дорилари ҳам сепилди. Айни чоғда майдоннинг маълум бир қисмига уруғ дориланмай қадалди. Мақсад -- «Бейер» технологиясини Жиззах чўлида қўллаб, ғаллани касалликларга чалинтирмасдан, қай даражада мўл ҳосил олиш мумкинлигини синаш эди.

Фирма дориларини Европа, Африка, Осиё давлатларида рўйхатдан ўтказиш, синаш ва ишлатиш бошқармаси бошлиғи, доктор Шмеер, Мустақил Ҳамдўстлик мамлакатларидаги вакили, доктор Франк Тиле, Ўзбекистондаги ваколатхонаси директори Петр Сикотел жаноблари яқинда бир гурух ўзбек олимлари иштирокида ана шу тажриба участкасида бўлдилар. Мехмонларнинг эътироф этишларича, натижа кутилганидек. Дорилаб экилган майдонларда касаллик асоратлари йўқ. Буғдой пояси бақувват, бошоқ тўқ, сердон, бегона ўт босмаган. Аксинча, дориланмаган майдонда эса экин ривожи ва ҳосил тўплаши анча ночор.

Олимлар тавсияси асосида бу ерда вилоят бўйича кўргазмали семинар ўтказилди. Унда фирма вакиллари ўзбек ҳамкорларига яна бир препарат -- «Гауча» дорисини тавсия этдилар. Чигит у билан дориланиб экилса, зараркунандалар то пахта пишиб етилгунича хуруж қилолмайди. Айниқса, чўл шароитида шира, трипс, оққанот каби ҳашаротларнинг кенг тарқалишига йўл қўймайди.

Ҳ. НАБИРАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



ҲАР БИР ОИЛАГА УЙ-ЖОЙ

Фарғона шаҳар ҳокимлиги Инсон манфаатлари йилида меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш, уларга зарур меҳнат, дам олиш ва уй-жой шароитларини яратиш борасида изчил иш олиб бормоқда. Шаҳарда ой сайин янги савдо ва маиший хизмат кўрсатиш бинолари, турар жойлар қад ростламоқда.

Яқинда «Ўзнефтқайтаишлаш» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси ўз ишчи-хизматчилари ҳамда шаҳарликларга ажойиб совға тақдим этди. Бу ерда 48 оилага мўлжалланган турар-жой биноси қуриб битказилди.

СУРАТЛАРДА: моҳир кранчи Маъруфжон Тиллабоев; янги қуриб битказилган муҳташам турар жой биносининг умумий кўриниши.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

ФОТО НИГОҲ

Бухоро шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси косиблар маҳсулоти кўргазмасини тайёрлашга киришди.

КЎРГАЗМА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Кўргазма Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводи ишга туширилади кунда очилиб, Бухоронинг 2500 йиллигига бағишланади. Шунинг учун мана шу мавзуга оид экспонатлар сараланмоқда.

Ҳозирнинг ўзидаёқ кандакор усталар тайёрлаган патнис, лаган, кўзалар, қорақўлдан ишланган буюмлар ва қўли гул усталарнинг бошқа кўпгина маҳсулотлари танлаб олинди.

Илҳом САФАР.

● *ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАРАДДУД*

ЎЗЛАРИ ТАЪМИРЛАШДИ

Наманган вилоятининг Учқўрғон туманидаги 16 ва 33-Янгиқўрғон туманидаги 1, 22 ва 23-мактабларнинг педагогик жамоалари ўқув корпусларини четдан молиявий ёрдам олмай, ўз кучлари билан таъмирлашди. Ўқитувчи ва ўқувчилар таъмирлаш учун зарур пулни маҳаллий хўжаликлар томонидан ажратилган ер участкаларидан меҳнат қилиб топдилар.

Шу йўл билан мактаблар бир неча юз минг сўм пул ишлади ва бу маблағнинг бир қисмини таъмирлашга сарфлади. Шу сабабли, бу туманлардаги ўқув юртлари ўз биноларини таъмирлашни вилоятда биринчилар қаторида тугаллади.

-- Келгуси йилда вилоятдаги бошқа қишлоқ мактаблари ҳам ҳомийларнинг ёрдамини кутмай, ўзлари ремонтга киришади, -- дейди Наманган вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Ҳабибулло Убайдуллаев. -- Ҳозир ҳамма туманларда маҳаллий шароитга қараб, мактабларга ғалладан бўшаган майдонлардан икки гектардан беш гектаргача ер ажратиб берилмоқда. Бундан ташқари, хўжаликлар мактабларга уруғлик, техника ва ўғит билан ёрдам бериш мажбуриятини олган. Умуман, вилоятда мактаблар, бошқа ўқув юртлари ва болалар боғчаларини таъмирлаш ҳам ниҳоясига етмоқда. Туманларда мактабларо ўзаро текшириш бригадалари иш бошлади. Улар бажарилган ишлар сифатини текшириш билан бирга, ўқув юртларининг қишга қандай тайёргарлик кўраётгани билан ҳам танишмоқда.

Ҳозиргача қозонхона ва печларнинг кўп қисми мавсумга тайёрлаб қўйилди. Шу сабабли, вилоят халқ таълими тизими ходимлари совуқ тушгунига қадар қишга тайёргарлик ишлари вақтида бажарилишига умид қилишмоқда. Бироқ айрим қишлоқ мактабларини иситиш учун зарур бўлган кўмир тайёрлаш суст бораётгани уларни ташвишга солмоқда. Чунончи, ««Туркистонкўмир» акционерлик жамияти билан тузилган шартномага мувофиқ, вилоятга 56 минг тоннага яқин кўмир келтирилиши лозим эди. Бу ёқилғининг ҳақи ҳам тўлаб қўйилган. Кўмир харид қилиш учун республика халқ таълими вазирлиги 20 миллион сўм пул ўтказган. Шунга қарамай, ҳозиргача атиги икки ваго́н, яъни 3033 тонна кўмир келтирилди, холос. Ўтган йилнинг шу даврида вилоят халқ таълими тизими тасарруфига 30 минг тоннадан кўпроқ кўмир келтирилган эди. Бундан буён ҳам ёқилғи етказиб беришда сусткашлик давом этаверса, қишга етарли миқдорда ёқилғи ғамлаш мушкул ишга айланиши мумкин.

Н. ХЎЖАЕВА,
ЎзА мухбири.

МАКТУБЛАРДА ЭЛ ОВОЗИ

Қатрада қуёш акс этганидек, таҳририятимизга келаётган хатларда ҳам Ўзбекистондаги улкан бунёдкорлик ишлари, жойларда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, бир сўз билан айтганда, халқ хўжалигининг барча соҳаларидаги ўзгаришлар, ҳаётимиздаги ютуқ ва қувончлар ўз аксини топмоқда.

● *ГАЗЕТХОН МУЛОҲАЗА ЮРИТАДИ*

МУСТАҚИЛ ВАТАНДА ЯШАШ БАХТИ

Ҳадемай ҳур, озод, мустақил мамлакатда яшаётганимизга олти йил бўлади. Бу -- кўҳна тарих учун қисқа муддат. Лекин ўтган ана шу қисқа давр мобайнида ўлкамизда асрларга татигулик ишлар амалга оширилди десак, янглишмаган бўламиз. Буни онақишлоғим -- Қоратепа жамоа хўжалиги мисолида яққол кузатиш мумкин.

Бугунги кунда ўн беш оилада шахсий тегирмон бор. Саккиз хонадон эса мойжувоз ўрнатиб, тирикчилик қилишмоқда. Бу ишлардан давлатимиз ҳам, қишлоқ аҳли ҳам, мулк эгалари ҳам манфаатдор. Бундан ташқари, Ўрол Олмасов ясаётган от эгарларини, Худоёр Жабборов тайёрлаётган кетмон, ўроқ, болғаларни, Абдусалом Тоштурдиев қўлидан чиққан пичоқларни кўриб уларнинг меҳнатига тасанно айтгингиз келади. Буларнинг ҳаммаси мустақиллигимиз самараси эмасми?

С. ОСТОНОВ.

Қамаши тумани.

● *... БАҲСГА ЧОРЛАЙДИ*

НЕГА ПРЖЕВАЛЬСКИЙ?

Юртимиз табиати ниҳоятда бой ва бетакрор. Тарихдан маълумки, ҳар бир ўсимлик ёки жониворнинг маҳаллий тилда ўз номи бўлади. Аммо мен бир нарсага ҳайронман: нега «Пржевальский отлари», деймиз? Ахир, Пржевальский чор Россияси генерали бўлган-ку? Тўғри, у киши 1870-1885 йилларда Осиёга «саёҳат» қилган. Ўша йиллари у фанда биринчи бўлиб, бу отни таърифтавсиф қилиб берган. Шу боис отнинг бу зоти у кишининг номи билан аталар экан. Лекин бу жониворлар ундан олдин ҳам бор эди-ку? Наҳотки, Мўғулистон ва Хитойда яшовчи халқлар ҳам уни шу ном билан аташса?

Бундан ташқари, ўлкамизнинг тоғ ва қирларида ўсувчи, барчага маълум қизил лолани «Тюльпан Грейга», сариқ-тарғил лолани эса «Тюльпан Кауффмана» деб атаймиз. Умуман, бу соҳада баҳсли, мунозарали жиҳатлар кўп. Мен шу ҳақда соҳа мутахассисларининг, газетхоларнинг фикр-мулоҳазаларини билишни истардим.

Абдуқаҳҳор МУТАЛОВ.

Тошкент шаҳри.

● *... ИСТАК БИЛДИРАДИ*

АДОЛАТ -- КУЧДАДИР

Ҳаммага маълумки, адолат қарор топган юртнинг қонунлари устувор, жамият аъзоларининг ҳуқуқлари кафолатланган бўлади. Бундай ўлканинг халқи эса тинчтотув, фаровон яшайди, келажаги буюк бўлади. Республикамизда аҳолининг ҳуқуқ маданиятини ошириш ва ҳуқуқий тарбиясини яхшилаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгани бежиз эмас. Чунки бугунги кунда нафақат оддий ишчи, пахтакор ва қурувчи, балки баъзи раҳбарлар орасида ҳам ҳуқуқий билими етишмаётган кишилар топилади. Шу боис чекка бир қишлоқдаги мутахассис нотўғри ишдан бўшатилган бўлса, икки қўшни жой талашса, опа-сингил, ака-ука отадан қолган меросни бўлиша олмаса ҳам Тошкентга шикоят йўллашади. Ахир, бу муаммоларни хўжаликда, туманда ҳал этиш мумкин-ку? Аслида жойлардаги баъзи раҳбарларнинг меҳнаткашлардан тушаётган аризаларга бефарқ, лоқайд қараши, ўз зиммасидаги вазифани чуқур ҳис эта олмаслиги юқоридаги муаммоларни келтириб чиқармоқда. Истагим шуки, бундай кишилар оммавий ахборот воситалари орқали кескин танқид қилиниб, уларнинг қилмишлари очиб ташланса.

Абдухалил МАМАТОВ.

Хонобод шаҳри.

● *... ТАШАККУР ИЗҲОР ЭТАДИ*

МИННАТДОРЛИК

Ёшим бир кам етмишда, 35 йилдан зиёд Наманган таксопаркида ҳайдовчи, бригада бошлиғи бўлиб ишлаганман. Рафиқам Каримахон эса узоқ йиллар мобайнида маориф соҳасида ёшларга таълим берган. Оилада саккиз фарзандни камолга етказдик. Шундан олти нафари олий маълумотли. Невараларим ҳам 22 нафарга етди.

Чол-кампир иккаламиз шундай кунларга етганимиз учун тақдирдан миннатдормиз. Кўпдан буён муборак Ҳаж сафарини орзу қилардик. Худога минг қатла шукурки, шу йил апрель ойида ана шу улуғ фарзни ҳам адо этиб, она-тупроғимизга эсон-омон қайтдик. Бу муборак зиёратнинг ташкил этилишида ҳар йили беқиёс ғамхўрликлар кўрсатаётган Президентимизга минг раҳмат.

Турсунбой ҳожи ОТАМИРЗАЕВ.

Наманган шаҳри.

● ИСТИҚЛОЛНИНГ ОЛТИ ЙИЛЛИГИГА

ОЗОДЛИК – МИЛЛАТНИНГ ТИРИКЛИГИ

Ўзини севмаган одам бошқанинг қадрига етмайди. Худди шунингдек, Ватан севгиси тушунчаси қанчалар баландпарвоз туюлмасин, бу туйғуни кўнглига сингдириш учун инсон етук бўлиши керак. Хўш, етуклик нима ўзи? 10-15 талаб китоб ёзишми? Кашфиёт яратишми? Ёхуд санъат бобида миллионлаб кишиларни ҳайрат уммонига ғарқ этиб, ўз номини шону шуҳрат чўққисига олиб чиқишми?

Ким билади дейсиз?.. Эҳтимол, юртнинг бир бурчида, тупканнинг тубидаги қир-адирлар бағрида қўй боқиб, хиргойи қилиб юрган чўпон бобомиз етукдир... Яна, жазирама жавзо тиғида ҳар туп ғўзани юрагининг азизу ардоқлиси каби суяётган деҳқон отамиз етукдир. Ҳе, Бойсунми ё Олтинсой, Ғузорми ё Сариосиё сарҳадларидаги қишлоқларнинг бирида Алпомиш таърифини аллага солиб, оҳанглари юлдузларни тўкаётган эгачи-синглимиз етукдир... Ҳа, умуман, ўз ўлан тўшагини, киндик қони тўкилган заминни ва шу парчагина ерни Ватаннинг бир бўлаги деб тушунганлар етукдир. Ўзбекистон ўлкаси чегараларида «Ортимда Ватаним бор» деб сергак турган жасур аскар укаларимиз етукдир.

Энди гап келди -- Ватани севганлар етукдир. Қишлоғининг ор-номусини кўтариш учун ўзбекнинг тўйида қурга чиқиб, Ҳазрат Алидан мадад сўраб, шер каби курашга тушган полвонлар улуғдир. Тағин айтайми, ялпизларни шеър қилган, қизларни олмаларга қиёс этиб сўзлардан дур терган, жанубдаги ўрик гулларинида ҳур кўрган шоирлар юксакдир... Қир-қирлаган, ўрўрлаган, дўмбираси оҳангидан ер титраган бахшилар баланддир... Ва бу элнинг ҳар қаричини севган, тупроғининг зарралари бирла дил ғуборини ювган барча-барча яхшилар улуғдир. Келинг, эй, шу яхшилар, шу озод эл, шу ҳур Ватан, шу буюк миллат айёми-истиқлолнинг тарихий лаҳзалари қутлуғ бўлсин. Энди-да ўзбекнинг ҳар бир ўғлиқизи бағрида озодлик сўзи мангу қутлуғ бўлсин... Ҳар кимнинг қалбида меҳр қуёши балқсин. Кўнгилларда ҳурриятнинг нурли манзиллар сари йўл олган дарёлари қалқсин. Тўзғиган эл бирлашса гар дарё бўлар... Бирлашмаган халқ бўйро бўлар... Бўйро бўлган эртасидан айро бўлар.. Миллат ўзи — улуғларнинг бирикуви. Бирикув -- бу Ватан учун жон тикувидир... Етукликнинг қалбида тошган тўлқини бу, бир миллат эртасининг ёлқини бу. Ва тоқдик -- кимнингдир дилида шу ёлқинлик мавжуд эркан, билингки, у етукдир. Биз жамики етуклик сари юз бурганларга кўнгил уйимизнинг эшикларини кенг очдик. Ва сўрадик:

Озодликни қандай тушунасиз?
Истиқлол Сизга нима берди?
Мустақил Ватанга ўзингиз қандай наф келтирдингиз?
Азизлар, биз барчангизни суҳбатга чорлаймиз.

Шоҳида ДАДАМУҲАМЕДОВА, шифокор:

1. Озодлик -- халқнинг ғурури топталмаслиги, юртнинг келажаги тўлиқ ҳимояланиши учун ягона нажот йўлидир. Буни бугун башарият эътироф этади. Менинг назаримда, умумбашарият ғоялари ва эзгу ақидалар фақатгина озод инсон кўнглида шаклланади. Демак, Озодлик халқимизга бутун дунё билан бўйлашиб яшаш имконини берди.

2. Истиқлол менга изланиш, фикрлаш, тобеликдан холи фаолият кўрсатиш учун шароит яратди. Бугун ҳар бир киши ўз халқининг фаровонлиги, юртнинг тобора гўзаллашиб борувидаги ўз саъй-ҳаракатини, эркинликни руҳан англашининг ўзи ҳам катта бахтдир.

3. Ўз ишларим билан мақтанишим ноқулай. Бироқ шу юртнинг фуқароси бўлишга ҳаракат қилаяпман.

Эшқобил ШУКУР, шоир:



1. Инсон руҳининг мукаммаллик сари интилуви, ҳар нечук, тазйиқлардан холи бўлган тақдирдагина ўз мевасини беради. Бу меванинг мағзи-моҳиятидир. Моҳиятни англамоқ эса ўз ботини сари сафар қилаётган инсоннинг иқтидорини очиб беради. Кўнглига юриш қилган одам адашмайди. Менинг назаримда, ботиний эркинлик қудратини туйган киши, озодликнинг туб илдизларидан қувват олади. Шарқнинг улуғ фалсафаси, ўзликка беркиниш замирида ташқи оламнинг ҳурлиги билан узвийлик бор. Аниқроқ қилиб айтсам, озодлик инсон фаолияти учун ёруғ йўллар очилишининг буюк кафолатидир.

2. Истиқлол менга мен озодман дейишим учун ҳуқуқ берди ва кўзим ўнгида инсон қадри тикланаяпти.

3. ***Тоғдан тошлар қулайди,***
Кўздан ёшлар қулайди.
Қисматнинг қора қўли
Бошгинангни силайди.

Негадир, истибдод тузумининг дасти узун келган, бутун бир миллат хўрлик ва ҳақорат тамғасини олган ўша оғир йилларда битган мисраларим ёдимга келаяпти. Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Фитратларнинг оловли сатрлари тафтини сезаётгандайман. Истиқлол қўрқинчу хавотир, ҳадик туйғуларини, зор-қақшаб, ўз тақдирини тийра билган улуғ инсонларнинг орзуси эди. Мустақиллик бугун ҳар бир ижодкорни ўз эрки, келажаги учун ёниқ руҳ билан ижод қилишга даъват этаяпти. Ёзганларимда шу кайфият акс этса, демакки, Ватаннинг бир фарзанди сифатида ўз бурчимни оқлай билган бўламан.

Сайфулло ТИЛЛАБОЕВ, деҳқон:



1. Тилимиз яна улуғланди. Динимиз қайтадан тикланди. Урф-одатларимиз ривожланди. Тўй-маъракаларимиз асл ҳолига қайтаяпти. Муҳими, юртимиз дунёда ўз номи ва мавқеига эга давлатлар қаторидан ўрин олаяпти. Ўзга тилларда мажбуран сўзлаш дардидан халос бўлдик. Шулар озодлик белгиси эмасми?

2. Инсон манфаати ҳимоя қилинаяпти. Мен қудратга тўлиб бораётган мустақил мамлакатнинг фуқаросиман. Юртимизда тинч ва осойиш кунлар учун барча юртдошларимиз шукрона айтади, деб ўйлайман. Бундан улуғ нарса бўлмаса керак.

3. Ернинг тилини биладиган деҳқонлар учун кенг имкониятлар яратилди. Кимки ҳалол меҳнат қилса, дангасалик, боқибеғамлик кайфиятидан халос бўлса, албатта, ойласи билан фаровон яшайди. Мен бир деҳқон сифатида ҳам давлат режаси, ҳам ўз иқтисодимни уддалай олаяпман. Юртимизнинг янада обод бўлиши учун қўлимдан келган ишни қиламан, куч-ғайратимни аямайман.

Эркин ХУШВАҚТОВ, драматург:

1. Озодлик—миллатнинг миллат сифатида яшаб қолиши, энг улуғ орзунинг рўёбга чиқиши ва кўнгилда эртанги кун учун ишонч ниҳолларининг ўсишидир. Ўз исмини таниган гўдак сингари, озодлик боис халқ ўзлигини англаб улгуради.

2. Истиқлолнинг олтинчи йили мен учун улуғ келди. «Чимилдиқ» ва «Машраб» асарларим Ҳамза номидаги академик драма театрида саҳна юзини кўрди. Энди ижод замони келганини ҳис қилдим.

3. Ҳали кўп ишлар олдинда. Худо хоҳласа, яхши ишлар билан Ватаннинг нон-тузини оқлашга ҳаракат қиламан.

«Халқ сўзи» мухбири
Қўчқор НОРҚОБИЛ тайёрлади.
Абдуғани ЖУМАЕВ суратлари.

Мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби, тиббиёт соҳасида ҳам ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Тошкент шаҳрида оилавий поликлиника-шифохоналар ташкил этилиб, улар аҳолига замон талаблари даражасида хизмат кўрсата бошлагани бунинг далилидир.

ОИЛАВИЙ ШИФОХОНА

Унинг афзаллиги нимада?

● СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН

Бундай шифохоналарнинг афзаллиги нимада?

Бозор иқтисодиёти шароити кишиларни ҳар жиҳатдан тежамкор бўлишга, вақтдан самарали фойдаланишга, режа асосида иш юритишга ундамоқда.

Оилавий поликлиникалар, аввало, шу жиҳатларни эътиборга олган ҳолда очилаётир. Тасаввур этинг: она ёш гўдагини шифокор кўригидан ўтказмоқчи. Аммо унинг ўзи ҳам врач, дейлик, акушер-гинеколог маслаҳатига муҳтож. Бунинг устига катта болаларидан бирининг тиши азоб бермоқда. Она бечора нима қилсин? Шунда унга оилавий шифохоналар жуда қўл келади. Негаки, бу ерда юқорида қайд этилган касалликлар бўйича барча хизмат турлари муҳайё-да! Учта муаммони шаҳарнинг шунча бурчагида ҳал этиш учун, автобусма-автобус алмашиб, болаларини ҳам, ўзини ҳам овора қилиб юрмайди.

-- Нимасини айтасиз, -- дейди «Чорсу» мавзеида яшовчи А. Латипов, -- оилавий шифохоналар жуда қулай экан. Биз 42-оилавий поликлиникага қатнаймиз. Шифохона маҳалламизнинг бир бўлагига айланиб қолган. Тўй-маъракаларни, байрамларни шифокорлар билан бирга ўтказамиз. Маҳалламиз аҳолиси билан тиббиёт ходимлари ўртасидаги муносабат жуда яхши-да. Халқимиз азалдан жамоатчиликни қадрлайди. Президентимиз ҳам маҳаллалар фаолиятида жамоатчилик, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат муҳим ўрин тутишини кўп таъкидлайдилар. Шу боис оилавий поликлиникаларнинг ташкил этилиши ўзбекона анъаналаримизга жуда мос, деб ҳисоблайман. Шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси шу йўналишдаги ишларни янада ривожлантирса, айни муддао бўларди.

Полвон ОТАБЕК.

МАҲМУД УСМОНОВ



Ўзбек миллий амалий санъати оғир жудоликка учради. Атоқли уста, замонавий ганчкорлик мактабининг асосчиларидан бири, Ўзбекистон халқ рассоми, Ўзбекистон бадиий академиясининг фахрий аъзоси, давлат мукофотлари соҳиби Маҳмуд Усмонов 1997 йилнинг 1 июль куни 88 ёшида вафот этди.

Тошкент шаҳрида туғилган Маҳмуд Усмонов миллий ганчкорлик санъатининг сир-асрорларини отасидан ўрганди. Тинимсиз меҳнат, халқимизнинг бу қадимий санъатига чуқур ҳурмат, машаққатли ижодий изланишлар натижасида у чинакам халқ устаси даражасига кўтарилди. Бутун самарали фаолияти давомида у кўплаб шогирдларни тарбиялаб етиштирди. Халқ амалий санъати анъаналарини замонавий меъморчиликка катта маҳорат билан татбиқ эта билди.

М. Усмонов мамлакатимиздаги бир қатор меъморчилик обидаларига қайта жон бахш этишда бош-қош бўлди, Бухородаги Ситораи Моҳи Хоса, Тошкентдаги халқ амалий санъати музейи каби гўзал иншоотлар унинг раҳбарлиги ва бевосита иштирокида таъмир этилган.

Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри, Мукимий номидаги театр, Халқлар дўстлиги саройи, хориждаги бир қатор замонавий иншоотлар ва бошқа кўплаб ўзида миллий санъатимизнинг бебаҳо анъаналарини мужассам этган замонавий муҳташам биноларни безашда М. Усмоновнинг ҳиссаси каттадир.

У миллий халқ амалий санъати анъаналарини тиклаш, уни асраш, кўплаб ёш истеъдод эгаларини ўстириш, уларда ватанпарварлик, меъморчилик санъатимизга ворислик туйғуларини шакллантириш йўлида астойдил меҳнат қилди, чинакам мураббий сифатида фаолият кўрсатди.

Унинг маданиятимиз ва санъатимиз равнақи йўлидаги фидокорона меҳнати муносиб тақдирланган. У «Ўзбекистон халқ рассоми», Ўзбекистон бадиий академияси фахрий академиги унвонларига, давлат мукофотларига сазовор бўлган.

Машҳур уста, меҳрибон устоз, камтарин инсон Маҳмуд Усмонов хотираси қалбимизда доим сақланиб қолади.

И. КАРИМОВ, Э. ХАЛИЛОВ, Ў. СУЛТОНОВ, Т. АЛИМОВ, Ў. РАҲМАТОВ, А. АЗИЗХЎЖАЕВ, Х. ЖЎРАЕВ, Т. ҚЎЗИЕВ, Ж. ҚУТТИМУРОДОВ, С. МАҲМУДОВ, Р. МАТЧОНОВ, М. АСАДОВ.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

● *ЯНГИЙЎЛ. Тошкент вилоятининг Янгийўл консерва заводида томат пастаси учун ҳажми ўн килограммгача бўлган тунука идишлар тайёрланадиган цех ишга туширилди. Шу туфайли 70 дан зиёд киши иш билан таъминланди. Янги маҳсулотга ҳозирданоқ қайта ишлаш корхоналаридан буюртмалар кела бошлади.*

* * *

● ***ТОШКЕНТ. «Тошкентмебель» ҳиссадорлик жамияти қошида пайвандлаш ишларини олиб бориш учун ғоят зарур маҳсулот -- йилига минг тонна электрод ишлаб чиқарадиган қўшма корхона очилди. Унда қарийб юз киши ишлайди.***

* * *

● *ХАТИРЧИ. Тумандаги А. Халилов номидаги жамоа хўжалигида қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Энг янги асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бу шифохона икки минг аҳолига хизмат қилади.*

* * *

● ***НАВОИЙ. Шаҳардаги «Олтин сув» ҳавзасида сузиш бўйича республика ёзги чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри, Самарқанд, Андижон, Сурхондарё, Сирдарё вилоятлари жамоалари қатнашди. Навоий шаҳрининг «Олтин сув» жамоаси мутлақ ғолиб, деб топилди.***

(ЎзА).

● ҒАЛЛА МУСТАҚИЛЛИГИ ЙЎЛИДА

Ғалла майдонининг қисқа муддатда кенгайиб кетишига ҳам мустақиллик неъмати, деб қарамоқ ва уни олқишламоқ керак. Аммо кейинги йиллар тажрибаси шуни кўрсатдики, шўро мустабидлиги бизни бирозгина бўлса-да, ғалла илмидан узоқлаштирган экан. Чунки бир қўшиқда куйланганидек, Ўзбекистонда ҳамма пахтакор эди-да!

ДАСТЛАБКИ САБОҚЛАР

Ғалла мустақиллигига бевосита Президентимиз томонидан сиёсий мақом берилганидан сўнг, қишлоқ хўжалигининг бу жабҳасидаги манзара тобора яхши тарафга ўзгариб бормоқда: буғдой далаларимиздаги, демакки, кўнглимиздаги асосий экинлардан бирига айланди. Бултур ва бурноғи йиллари андижонлик ғаллакорлар эришган натижалар бошқалар қатори сурхондарёликларни ҳам ҳайрон қолдирган, тўғрироғи, ажаблантирган эди.

Шу ўринда бир тафсилотни айтмоқ лозим бўлади. Бултур, ҳали ғалла ўрими бошланмасдан бурун, Узун туманида вилоят ҳокимига бир ижарачининг даласини кўрсатиб, «Сиз деҳқон одамсиз, шу даладан қанчалар ҳосил чиқиши мумкин?» деб сўрашади. Жўра Норалиев ғаллазорни бироз оралагач, «Саксон центнерга яқинлашиб қолади», -- дейди.

Ҳоким бобонинг чамаси нечоғлик тўғрилигини билмоқ учун, шу ижарачининг даласидаги ҳосил ўрилаётганда, кўпчилик тарозининг бошида туради: ҳар гектар майдондан тўқсон тўрт центнердан ғалла йиғиштириб олинади. Сўнг, ўн тўрт центнерга янглишган экансиз, деб ҳоким бободан суюнчи олишади.

Бу тафсилотни эслаш орқали сурхондарёликлар ҳам зўр бериб ишласалар, андижонликлардан ортда қолмасликларини таъкидламоқчиман, холос.

Вилоят ҳудуди харитада унчалик улуғвор кўринмаса-да, унинг шимоли жанубидан икки ҳафта орқада юради. Узун тумани вилоятнинг энг шимолида жойлашганлиги, иқлими бирмунча салқин бўлганлиги учун, вилоятнинг энг жанубидаги Шеробод туманидан ғалла ўримини ўн етти кун кейин бошлади. Чунки ҳамма экин сингари ғалла ҳам кун санайди. Табиий иқлим тақозо этадиган муддат келмагунча пишмайди.

Мен сизга айтсам, узунликлар вилоятнинг жанубидаги Музробод, Термиз, Ангор туманларидан ҳам ўримни анча кеч бошладилар ва ҳаммадан олдин -- йигирма тўртинчи июнда давлат буюртмасини бажардилар. Сиртдан қараганда, бу унчалик ҳам мантиққа тўғри келмайди. Чунки ҳеч ким ўзини тадбиркорликда ҳам, устамонликда ҳам бировдан кам кўрмайди. Бунинг устига, ёнилғи етарли бўлса, комбайнлар гуриллаб ишлаб турса, нега энди ўримни ҳаммадан кеч бошлаган одам ҳаммадан олдин маррага етиб келиши керак? Лекин шундай бўлди!..

Ҳақиқатдан ҳам, нега узунлик ғаллакорлар ҳаммадан ўзиб кетди? Газетанинг вилоят мухбири сифатида худди бошқа туманлар сингари Узуннинг ҳам паст-баландини яхши биламан. Ва ўрим мавсумининг қандай кечганлигидан ҳам бевосита хабардорман. Агар ҳозир узунликлар ўн саккиз кунда қандай қилиб топшириқни бажарганлигини айтсам, турган гапки, сиз ҳам ҳайрон қоласиз. Бунинг учун ҳеч бўлмаганда икки кун туман ҳокими Сафар Ҳасановнинг ёнида юрмоғингиз керак бўлади. Биласизми, шу ўн саккиз кун мобайнида ҳоким жами бўлиб саккиз соат ҳам ухлагани йўқ!

Вилоятдан туманга вакил бўлиб турган Абдуназар Тўрақулов айтади: «Далама-дала юравериб, кечаси соат иккиларга бориб, кўнаётгага қайтамиз. Ҳоким, энди эрталабгача дам оламиз, дейди. Кейин билсам, менинг кўзим илинишги билан далага, ишлаб ётган комбайнларнинг бошига кетар экан. Эрталаб, соат беш яримда янги иш кунини яна бирга бошлаймиз». Узунликлар ўн саккиз кун ана шундай тартиб билан ишладилар.

Ҳокимки, ҳар комбайнчига «Оғажоним!» деб, елкасидаги чарчоқни қувганидан сўнг, бошқалар ғаллазорни ташлаб кетармиди!

Шу ўн саккиз кун мобайнида на раис, на бошқа раҳбарлар, на комбайнчилар, на ғалла ташувчилар, на тарозибонлар -- ҳеч ким уй бетини кўрмади.

Шартнома бажарилиши муносабати билан, ўн тўққизинчи куни дастурхон ёзилиб, Жўра Норалиев музаффар ғаллакорларни табриклади. Табиийки, ўтган ўн саккиз куннинг осон кечмаганлиги, одатдагидан бир неча ҳисса зиёд меҳнат қилинганлиги учун ҳам, бугун кечаги зўриқишлар унут бўлганлиги айтилди. Ўн саккиз кун мобайнида содир бўлган баъзи кулгили воқеалар ҳам эсга олинди.

... Ж. Эшмирзаев номли жамоа хўжалигида тонг отар чоғи бир комбайннинг тасмаси узилиб кетибди. Раис пухта одам бўлганлиги учун, бир кунимга ярарсан, деб шундай тасманинг уч-тўрттасини яшириб қўйган экан. Уйга кириб чиқишга кетадиган вақтни кўзи қиймаганми, ёки қаттиқ чарчоқданми, шофёрига фалон жойда тасма турибди, кириб олиб чиққин, дебди-да, ўзи машинада озроққина тин олибди. Шофёр айтилган жойдан излаган нарсасини тополмагандан сўнг, янгасини уйғотибди. Янга уйқули кўзлари билан раис айтган тасмани топиб берибдида, «Акангиз қаерда?» дебди. Табиийки, шофёр ёлғон айтолмабди, «Э, чақиринг акангизни, нега уйга кирмайди!» -- дер эмиш. Албатта, бу воқеанинг бирозгина тўқимаси бўлиши керак, аммо ўша куни, ҳалиги раис ҳам ҳаммага қўшилиб кулди.

Бўри Очилдиев номли жамоа хўжалигининг раиси Абдухолиқ Очилдиев айтади: «Кўпкарига кирган отни чавандоз қандай қамчиласа, Сафар ака ҳам бизни шундай ҳаволга солди. Тўғри, биз баъзан ҳокимдан хафа бўлдик. Лекин бугун хурсандмиз. Чунки ҳаммани орқада қолдирдик».

Абдухолиқ аканинг бу гапларини эшитиб, Замахшарий ҳазратларининг «Ҳатто бедов отга ҳам қамчи керак!» деган гапларини ҳайрат билан эсладим.

Сафар Ҳасанов баҳоси йўқ «Кейс»ларни ҳам аямади. Айтганим билан ишонмайсиз -- Узунда бир куни битта «Кейс» икки юз беш гектар майдоннинг ғалласини ўрди. Чунки ўша «Кейс» бир-кеча кундузда ўн минут ҳам тингани йўқ -- ҳар иккала комбайнчи ҳоллан тойиб, ҳатто ўтиришга ҳам қурби етмай қолгандаям машина тўхтамади: ҳокимнинг ўзи рулга ўтирди.

Фурсати келди -- тағин бир гапни айтай: ғалла ўримйиғимида иштирок этаётган ҳар бир одамга олий мақомдаги шароит яратиб берилмаганда, ҳеч ким ўзидан кетиб, бу даражада қаттиқ меҳнат қилмас эди. Биласизми, Узун далаларида «Кейс»лар соатига еттисаккиз километр тезликда ҳаракат қилади. Бошқа туманларда эса бундай тезлик уч километрга ҳам етмайди. Чунки Узундаги ғаллазорларда биронта бегона ўтни тополмайсиз. Бундан ташқари, комбайнчиларнинг ҳам шашти баланд. Бу ўринда моддий манфаат одамнинг ғайратини оловлантирадиган асосий восита эканлигини айтиб ўтирмасам ҳам бўлади -- ҳамма гапни ўзингиз биласиз.

Энди мендан сўранг: нега Сафар Ҳасанов бунчалар қаттиқ шиддат билан ишлади? Чунки бу одам ғалла мустақиллиги Ўзбекистон мустақиллигига тенг туришини жуда яхши биларди. Агар гапни айлантиравер-сангиз, «Ғаллани кўплар иқтисодий масала, деб ўйлайди, аммо ғалла-сиёсат, оғажон!» -- дейди кўзингизга қув назар ташлаб.

Ўша куни вилоят ҳокими Узундан чиқиб, Шерободга -- Узундан ўн етти кун илгари ғалла ўримни бошлаган туманга борди. Ва бир гапни очиқ айтди: «Қачонгача Шеробод Сурхондарёнинг оёғига тушов бўлади!». Жўра Норалиевнинг бу таънасида катта ҳақиқат бор эди. Ўн уч ярим минг гектар ғаллазори бор туманда кунлик ўрим уч юз гектарга етмабди. Саккизта «Кейс»нинг улуши юз гектарни ташкил этибди. Ваҳоланки, ҳали етти минг гектардан зиёд ғаллазордаги дон бошоқлари қовжираб ётибди. Агар ўрим суръати шу зайлда давом этадиган бўлса, июлнинг охирида ҳам етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олишнинг мутлақо иложи йўқ. Олти минг саккиз юз қирқ уч гектардан йигирма минг тоннадан зиёд дон йиғиштириб олинганлиги ҳақида маълумот бор. Шунинг ўн бир минг тоннасигина қабул пунктининг тарозисидан ўтибди. Қолган дон эса хирмонларда турибди, дейишмоқда. Аммо қабул идорасига ҳар замонда бир тележка келади, холос.

Мен Шерободда кўплаб хўжалик раҳбарлари билан суҳбатлашиб, бир ҳақиқатни билдим: улар ғалла масаласини иқтисодий масала, деб ўйлар эканлар.

Мавсумнинг дастлабки сабоқлари шулардан иборат. Ҳадемай, унинг хулосалари ҳам чиқади...

Тожиддин РАЗЗОҚ,
«Халқ сўзи» мухбири.

● ҲИММАТ

ЭРТАНГИ КУН МЕВАЛАРИ

Абдужалил камида бир ҳафта, ўн кун олис сафарда юради. Хизмати шунақа -- «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компанияси пассажир вагонларини таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш дирекциясида поезд бошлиғи бўлиб ишлайди.

Бир гал у навбатдаги рейсдан қишлоғи Ширмонбулоққа қайтиб келганида, ўғлини кўриш учун мактабга борди. Ўғли ўқиётган синфхонани кўриб, кўзларига ишонмади, чунки бу жой мактабга сира ўхшамасди. Бояқиш муаллимлар синфхоналар етишмаётганидан, ноиложликдан, вақтинча шундай қилишга мажбур бўлишганини тушунтиришди. Аммо барибир бу гаплар Абдужалилнинг қулоғига кирмади. Табиатан ор-номусли, ғурури баланд йигит бўлгани учун хуноби ошиб, дили озор чекди. Эринмай уйига бориб, видеокамерасини олиб келди. Эски синфхонани суратга тушириб қўйди. Кўнглидаги аҳди эса янада қатъийлашди: «Қишлоғимда ўз маблағим ҳисобига мактаб қураман. Болалар чиройли, шинам синфхоналарда ўқишади. Компьютерни, хорижий тилларни ўрганишади».

Бозор иқтисодиёти шароитида мактаб қуришнинг ўзи бўлмади, албатта. Абдужалилга отасидан бой мерос ҳам қолмаган. Болаларини ҳалол пешона тери билан боққан раҳматли Шариф тоға камбағал оиладан чиққан оддий бир меҳнаткаш эди.

Халқимизда «Кўрмаганнинг кўргани қурсин» деган гап бор. Сир эмас, айрим одамлар озгина жир битса, босар-тусарини билмай қолади, ҳеч кимни менсимайди, маишатга берилади. Абдужалил эса фарзандлари келажагига атаб йиллар давомида топган-тутганини эзгу ишга сарфлашни мақсад қилди. Ана шу яхши ният ҳамиша унга йўлдош бўлди.

Абдужалил дунёда барибир яхши одамлар кўплигига, ерни афсонадаги ҳўкизлар эмас, ана ўша одамлар кўтариб турганига яна бир карра ишонди. Қурилишга Бакир Ражабов номли жамоа хўжалиги раиси Абдувосит Холматов, Ширмонбулоқ тош кони бошлиғи Ҳакимбек Адҳамов, муаллим Йўлдош Бойбўтаев каби ҳам қишлоқлари яқиндан ёрдам беришди. Мактаб 1996 йилдаёқ қуриб битказилди. Ўқув йили бошидан янги мактабда дарслар бошланди.

Наврўз байрамида мактабнинг тантанали очилиш маросими бўлди. Мактаб қурилишида жонбозлик кўрсатганларнинг номлари ҳам алоҳида ҳурмат-эҳтиром билан кўзга кўринарли жойга битилди. Халқ таълими вазирлиги мактабга ўн битта компьютер совға қилди. Туман халқ таълими бўлими эса мактабни мебеллар билан таъминлади.

Боғбон эккан ниҳолидан мўл-кўл ҳосил умид қилганидек, туғилган қишлоғида мактаб қурган олийҳиммат инсон Абдужалил Шарипов ҳам бу ерда таълим олаётган болакайларнинг келгусида эл-юртнинг, мустақил Ўзбекистоннинг корига ярайдиган, ҳар жиҳатдан баркамол одамлар бўлиб етишишини жуда-жуда истайди. Биз ҳам унинг ана шу эзгу ниятига тилакдошмиз.

Шодмонбек ОТАБЕК.

СЎЗУ СОЗ СЕҲРГАРИ

Қодир бахши Раҳимов эл севган, ардоқлаган санъаткорлардан эди. У туғилиб вояга етган Деҳқонобод туманидаги Хўжамаҳмуд қишлоғида халқаро «Олтин мерос» жамғармасининг Қашқадарё бўлими ва туман ҳокимлиги ташаббуси билан унинг 60 йиллик юбилейи бўлиб ўтди.

Туманнинг таниқли кишиларидан бири, бахшининг ҳаммактаб дўсти Тожи ака Холтўраевнинг хотирлашича, 1974 йили дунё маданиятининг марказидан Париж шаҳрида ўтказилган халқ оғзаки ижодкорларининг Бутунжаҳон конгрессида Қодир бахши ҳам иштирок этади. Жаҳоннинг мана-ман деган оқину бахшилари борган ушбу йиғинда ҳар бир иштирокчи учун ўз санъатини намойиш қилишга беш дақиқадан вақт берилганди.

Қодир бахшининг конгресс ҳакамларига дастлаб мўъжазгина бўлиб кўринган вужуди у куйлаган сайин, улуғворлик касб этади. Қодир бахши достон ёки термалардан куйламайди, балки ўз юртини мадҳ этади, унинг гўзал тоғларини, хазиналарга маскан бўлган даштларини қўшиққа солади. Унинг ширали ва жарангдор овози бутун зални ҳаяжонга солиб, дўмбираси эса барчани сеҳрлаб қўяди.

Беш минг кишилик йирик концерт залида ҳамма оёққа қалқиб, қарсаклар билан Қодир бахшини олқишлашади.

ХАЛҚ БАХШИЛАРИ

Унинг ёшлик йиллари бир чети Ҳисор тизма тоғлари этакларигача чўзилиб кетган Хўжамаҳмуд қишлоғида ўтган.. Бу ерларда бахшининг авлодлари чорвадорлик қилганлар, қир ва адирликларда деҳқончилик билан шуғулланишган. Қишлоқдан ўнлаб бахшилар етишиб чиққан. Қодир бахши ана шу ҳамқишлоқларидан достонлар ва термалар куйлашни ўрганган, дўмбиранинг сеҳрли жарангидан илҳом ола билган. Ҳатто унинг онаси ҳам кўплаб халқ термаларини ёдида сақлаган, каттакичик йиғинларда ана шу термаларни айтган.

Қодир бахши ўзидан олдин куйлаб ўтган бахшилардан 68 та достонни ёд олиб, 200 дан ортиқ терма ва қўшиқларни куйга солган. Ўзи «Ойша», «Отибахт полвон», «Эшқора билан Дўстқора» каби ўнга яқин янги достонлар ижод қилди. Дастуридаги достонлардан 12 таси бошқа бахшилар ижодида учрамайди.

Афсуски, у бахтсиз тасодиф туфайли оламдан кўз юмди. Ўлмас бахшининг бой ва ранг-баранг ижодидан бор-йўғи 10 та достон, 40 та тўртлик, 50 дан зиёд термалар ёзиб олинган, холос.

Деҳқонобод тоғлари ортига яшириган мўъжазгина Хўжамаҳмуд қишлоғи донғини Франциягача ёйган бахши бетакрор овоз соҳиби эди. Уни қўшни Туркманистонда ҳам, Сурхондарё, Жиззах, Хоразм, Бухоро вилоятларида ҳам яхши билганлар. Халқ сайиллари, байрамлар усиз ўтмасди. 1982 йили Алмати шаҳрида ўтган туркий халқлар эпосмусиқаси кўригида биринчи ўринни эгаллаб, қимматбаҳо совринни қўлга киритган. Олти марта республика бахшилари олимпиадасида голиб чиққан.

Қодир бахши Раҳимовнинг олтмиш йиллиги тантаналари кўтаринкилик билан ўтди. Туркистоннинг тўрт тарафидан уни билганлар, кўрганлар оқиб келишди. Бетакрор бахшининг ўлмас ижоди хотираларда тиклади.

П. ГАДОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Фалакми ё малак,
билолмас юрак,
Кўнгилни уйғотар
бир ёруғ тилак.
Нур десак, нурдан-да
тозароқ эрур-
Ўн саккиз ёшинда
кулган камалак.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ
сурат-лавҳаси.

● *ТАЪТИЛНИ ҚАЕРДА ЎТКАЗАСИЗ?*

«КУМУШКОН»НИ ФРАНЦИЯДА ҲАМ БИЛИШАДИ

«Ишонмайсизми? Э, нимасини айтасиз, иккиуч йилдан бери фаранглар келиб-кетиб ўрганишаяпти бу ёқларни», -- деди «Кумушкон» дам олиш маскани бошлиғи Жонон Маҳкамов суюниб. Очиғи, кўпчилигимиз Тошкентнинг кунчиқар тарафида, оппоқ қорлар ғира-шира кўриниб турадиган тоғлар бағридаги бу жаннатий масканни билмаймиз. Эшитганмиз, холос.

Гоҳо ҳайратларимизни-да сўндириб ташлашга қодир бўлган катта шаҳарнинг шовқин-суронларидан безган вақтимиз ул ёқларни бирон баҳонаи сабаб билан кўриб келганларнинг «Кумушкон» ҳақидаги ҳикояларини эшитгач, боргимиз келади. Ўтган йили олис Қорақалпоғистоннинг чекка бир овулидан келган муаллимнинг бу ғалати ва ғаройиб маскан ҳақидаги гаплари эсимизга тушди: «Ёшим элликка бориб, дам олиш нималигини энди билдим. Шунча йил яшаб, ишлаб, умримда кўрмаган жойда ўн кун дам олиб, қайтадан дунёга келгандай бўлдим. «Кумушкон» ҳақида ҳатто эшитмаган ҳам эдим. Хизматдош бир дўстимни излаб шу томонга келувдим. Афсуски, уни тополмадим. Тошкентга қайтиш учун кеч бўлиб қолди. Ўша куни ҳаво алмацдими, билмайман, нафасим сиқила бошлади. Совуқ сув ичишга кўрқаман. Дам олиш масканидан бир кечага жой сўрадим. Шу кеча эрталабгача сув ичиб чиқдим. Дўхтирлар даволай олмаган ўн йиллик хасталигимнинг анча енгиллашганини сезиб, ҳеч ишонгим келмайди. Кейин ўн кун қолиб кетдим. Қайтиб бориб шифокорларга учращдим. Текшириб кўриб... Тўғриси, ишонишмади. Ҳатто бирови «сиз Москвага бориб келгансиз-ов» деб гумонсирадиям. Чунки ўзлари мени қандай рўйхатга олишган бўлса, яна шундай қилиб ўчиришди. Энди ҳар йили насиб этса, худо умр берса, «Кумушкон»га келаман...»

Бу воқеани Жонон акага ўзимча бир ҳайрат билан айтиб берсам, у киши мийиғида кулиб қўйди. «Нима, ёлғон гапирдимми?» деб ажабланиб сўрадим. Бош силкиди: «Йўқ, сиз бир марта эшитиб, шунчалар ҳайрон қолибсиз. Мен бўлсам, ҳар куни ўз кўзим билан кўраман бундайларни. Сувнинг совуқлиги дастлаб ҳар қандай одамни чўчитади. Лекин ичаверсангиз, негадир ҳар соатда қорнингиз очқагандай туюлаверади. Бунинг бошқа сирлари бор».

Қизиқсиниб, «Қани бир таърифлаб беринг-чи?» деймиз. У киши бўлса «Йўқ, бирдан айтсам, қизиғи қолмайди. Сувдан ичиб турингглар, мен ҳовлида катта ҳашар уюштирганман, ҳорманг, бор бўлинг қилиб келайин, кейин гапириб бераман», дея бизларни холи қолдирди.

Орадан икки соатча вақт ўтди. Бир пайт осмонда булутлар пайдо бўлди. Сўнг ёмғир томчилай бошлади. Шундоғам салқин бўлиб турган ҳаво бирдан мўътадиллашди. Сўнг Жонон ака кириб келиб, ҳазил аралаш деди: «айтмовдимми, бу Кумушконнинг биринчи сири, қолганларини энди айтаман. Мана шу сизлар ичиб турган сувда 27 хил элемент бор десам, ишонарсиз. Бўлмаса, манави қоғоздаги ёзувларни ўқинг...»

«Планетлимитед» деган қўшма корхона билан тузилган шартномани кўздан кечирамиз. Бу фаранглар ҳам анойи эмас-да. Парк табиатини ўрганишаётганига икки йилча бўлибди. Аввал тупроқни обдон текширишибди. Сўнг айнан булоқлардан оқиб чиқаётган сувдан олиб кетишибди. Айтган хулосалари шу: сув ниҳоятда шифобахш. Ҳеч нарса аралаштириш шарт эмас. Фақат яхшигина жой танланиб, сувни шишаларга қуйиб истеъмолга чиқарса бўлаверади...

Дарвоқе, Жонон аканинг айтишича, французлар ҳали шошилмаётган экан. «Менимча улар 98-ё 99-йиллардан иш бошлашса керак», деди у киши.

Хуллас, бизлар билган ва билмаган Кумушконнинг сирлари кўп экан. Оддийгина, ҳар куни одатий равишда истеъмол қилинадиган сувда шунча хосият бўлганидан кейин, унинг мевачеваси, сут-қатиғи, ҳатто ҳавоси ҳақидаям бир дунё таъриф айтиш мумкинлигини ҳис қилдим.

Шунча гаплардан кейин «Нега «Кумушкон» мамлакатимиздаги соғломлаштириш масканлари рўйхатига киритилмаган?» деган саволимизга, Жонон ака шундай изоҳ берди: «Бизлар ҳозир ҳиссадорлик жамиятига айлантирилганмиз. Бевосита «Ўзбектуризм» билан ҳамкорликда фаолият юритамиз. Имкониятларимиз жуда катта. Миллий компания ҳар томонлама кўмак беряпти ҳам. Лекин расмий рўйхатларда «соғломлаштириш» деган сўз қўшилмаганлиги учун одамлар иккиланиб туришади. Аслида эса Ўзбекистоннинг исталган бурчагидан дам олувчиларни, қолаверса, саломатлигини тикловчиларни қабул қилиш имконига эгамиз.

Мени яна бир туйғу ҳайратга солади. У ҳам бўлса эркинлик эпкиқлари боис, истиқлол шарофати туфайли Ўзбекистоннинг хушманзара жойлари хорижликлар назарига тушаяпти. Ҳозирги кунда уларнинг давраларида Кавказ ё Қримдаги санаторийлар эмас, балки ўзимизнинг хушҳаво оромгоҳларимиз ҳақида гаплар бўлаётганини эшитиб қувонаман.

«Кумушкон»нинг таърифини биз айтолмаймиз. Қолаверса, унинг ён-верида яшаётган одамлари ҳам камтаринлик ила «келиб кўрганлар биздан кўра кўпроқ қадрини биладилар» деб қўйишади.

Нор ҚОБИЛ.

● *АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР*

КАЛОМИ ХУШ БЎЛСИН АЁЛНИНГ

Мактабнинг юқори синфида ўтказилган «Ёшлар давраси»га шундай савол ташланди: -- Бир-бирингиздаги қай фазилатларни қадрлайсиз?

Шунда қизлар йигитларнинг мард ва олижаноб бўлишларига ишора этишди. «Мен йигит кишининг бир сўзли бўлмоғини қадрлайман!» дея ёзди яна бир қиз. Даврадаги йигитларнинг деярли ҳаммаси «Қиз болада ҳаё ва андиша бўлса, бу фазилатлар унинг ҳуснини оширади» дея жавоб беришди...

Қиз боланинг ҳаёси унинг қай ҳаракатларида яққолроқ кўринади? Уятчанлигидами? Ё ҳуда-беҳуда гап ташлайвермай, сукут сақлаганидами? Ўзини сипо тутиб, босиқ ва мулоҳазали бўлган қизларни ҳаёли деймизми биз? Нега? Гап мавзуи шу ҳақда...

Фарангистонлик элшунос олима, мусаввир Бурдон хоним ўтган асрнинг етмишинчи йиллари охирида Туркистонда тадқиқот ишларини олиб борганди. У Туркистон халқларининг ҳаёт тарзи билан яқиндан танишмоқ мақсадида шаҳар ва қишлоқларда -- турли табақа хонадонларида бир неча ой истиқомат қилади. Ўзбек аёлининг хонадонда, тўй-маросимларда, жамоа жойларида ўзини тутиши, ахлоқ-одоби, шарм-ҳаёси олимани ҳайратга солди. Бу ҳақда у шундай ёзади: «Биз, маданийлашган Оврупо аёллари ахлоқ-одобни, иффатни, назаримизда, ёввойи ҳисобланган туркистонлик аёлдан ўрганмоғимиз жоиз экан... Лесгафт, Дидро назарияларидан мутлақо бехабар бу аёллар ахлоқ назариясидан қўлланма ёсалар арзир экан...»

Халқимизнинг гўзал урф-одатлари, ажойиб феъл-атвори, беқиёс расм-русумлари тарихи аслида минг-минг йилларга бориб тақалади. Ўтмишда ўғил болаларни мард ва жасур, қизларни одобли ва назокатли қилиб тарбияламоққа эътибор қаратганлар. Айниқса, қиз боланинг парваришига ўта масъулият билан ёндашилган. Бундай тарбия усули хонадонларнинг турмуш тарзига ҳам сингдирилган. Қизлар дастурхон бошида -- оталари ҳузурида овозини баланд кўтармай, қаттиқ кулмай, хуш одоб билан ўтиришни афзал билишган. Шунингдек, оналар ўз қизларига рўзғор юритиш илми, келинлик хизмати ва бекалик бурчларини ўргатиб боришган. Узатилаётган қиз оила сабоқларидан тўла-тўкис бохабар бўлган.

Кейинги ярим аср вақт давомида айримлар гўё замонавийлашиб кетди. Шу «замонавийлик» туфайли баъзи гўзал урф-одатларимизни бой бердик, ҳаё, инсофдиёнат каби тушунчалар қадри йўқолгандек бўлди. Нафақат қизларимиз, балки йигитларда мардлигу фидоийлик ҳам майда, арзимас нарсалар билан қоришиб кетгандек туюлади баъзан. Бугунги келин-қуёвлар ҳам қайнона-қайноталари олдида бемалол гап талашиб, чақ-чақлашиб ўтиришади, ҳатто баҳслашишадиям. Илгари келин ҳам, куёв ҳам катталар қаршисида жуда одоб сақларди. Ҳатто ота-оналари олдида ўз болаларини эркалатишмасди, уялишарди!

«Ҳаё -- иймондадур», дейилади муқаддас Ҳадисларда. Қиз боланинг ҳаё билан майин сўзлаши, келинчакнинг бош эгиб салом қилиши ва уй бекасининг андишали бўлмоғида ажиб сеҳру хосият бор. Оиладаги баъзи жанжалли ҳолатларда аёлнинг паст тушиши, андиша ила сукут сақлаши ҳар қандай баджаҳл эркакни ҳам шаштидан туширар экан. Зеро, андишали хонадонда тарбия топган қизда ҳам шундай фазилатлар мужассам бўлади. Кўпинча оилавий ажримлар сабаби суриштирилганда, эркак аёлини қўполликда, бетгачопарликда айблайди. Чунки тажрибадан маълум, аёл эр кишини ҳурмат қилмаса, «юзинга кўзинг борми» демай уни ҳақоратласа, шубҳасиз, ўз иззатини йўқотган бўлади. Бундай муомала оила ҳаётини издан чиқаради, ҳатто ажримга сабаб бўлади.

Ҳаё ва одоб -- эгизак. Улар бир-бирига ярашиқли, бир-бирини тўлдиради. Ҳаёли қиз, албатта, одобли ҳамдир. Одоб чегараси бузилса, ҳаё ҳам йўқолади. Бир куни аёллар ўртасида шу ҳақда гап кетди. Аёллардан бири келинлик чоғларида янги хонадоннинг баъзи одатларига кўниколмай қийналганини сўзлади. Унинг уч қайнсинглиси бор экан. Бир куни нимадир юмуш билан уйга кирса, қайнсингиллар қизғин суҳбат устида эканлар. Лаб бўёғидан тортиб ич кўйлаккача, ҳозир қай бири урфга киргани ҳақида гаплашаётган экан. Ёндош хонанинг эшиги қия очиқ бўлиб, диванда қайнотаси газета ўқиб ўтирган экан. Келин қайнсингилларига қайнотасини кўрсатиб, имо қилибди, «эшикни ёпиб пастроқ гаплашинглар» депти-ю, балога қолибди. «Несовременний» экансиз, деб ундан кулишибди қизлар. Келин индамай ортига қайтибди.

-- Ўша куни минг хижолат билан буни турмуш ўртоғимга айтдим, -- дейди аёл. -- У ҳеч нарса бўлмагандек, кулиб қўйди. Сўнг «бизнинг уйда ҳамма нарса очиқ-ойдин гапирилаверади, шунга ўрганганмиз», деди. Мен эса даҳшатда қолдим. Бизнинг оиламиз бутунлай бошқача эди-да. Уйга эркак меҳмон келса, биз, қизлар чой-нонни эшик ортидан туриб узатардик, акаларимиз уларнинг хизматида бўларди.

Гапнинг рости, ҳозирги пайтда ҳам айрим хонадонларда шу хилда тарбия топган қизлар, келинлар бор. Назаримда, бундай тарбия усули бизга момолардан мерос, шу учун ҳам у эътиборга моликдир. Асосий гап эшик ортидан туриб чой узатишда эмас. Гап шундаки, қизларни одобли, ҳаёли қилиб тарбиялаш қурилажак оила учун жуда аҳамиятлидир. Ҳаёли қиз ўзи бека бўлган хонадонга кўркамлик олиб киради, ўзининг гўзал феъл-атвори билан шу хонадон аҳлининг ҳурматини қозонади. Олима фахр-ул Банот рисоласида ёзишича, «Иффат бир зўр бойликдирки, унинг баҳосини чекламак мумкин эмасдир. Қиз учун энг зўр мартаба, энг комил фазилат -- иффатдур». Биз миллий маънавиятимизни тиклаш ва ривожлантириш сари борарканмиз, бунга аждодларимиз қўллаган тарбия усулини таркиб топтириш катта ёрдам беради. Шуни унутмайлик.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.

● *ТАБИАТ— УЙИМИЗ*

ДАРАЛАР — НОЁБ ХАЗИНА

Сармиш. Бу маконни билмайдиган киши Навоий вилоятида жуда кам.Қоратоғ этагидаги ушбу дара петроглифларга жуда бой. Улар 3000 тадан кўпроқ тасвирдан иборат бўлиб, бариси бундан минг йиллар муқаддам Зарафшон бўйида яшаган аждодларимизнинг тарихи, маданияти, турмуш тарзи ҳақида ҳикоя қилувчи асл ҳужжатлардир.

Асримизнинг ўттизинчи йилларига қадар мазкур дарада учта қишлоқ мавжуд эди. Юқорида -- Сувбоши, қуйироқда -- Лойлиқ ва, ниҳоят, энг йириги -- Сармиш. Бироқ «хутор тизими» деб аталган давлат сиёсати туфайли ерлик аҳоли Зарафшон воҳасига кўчирилгач, дара пахта майдонларига айлантирилди. Шундан кейин мавжуд боғлар аста-секин қуриди, кўплаб дарахтлар эса кесилди. Кўклам ва кузги селлар қўналғалар ва бошқа иншоотларни ювиб кетди. Шу тариқа минг йиллик тарихга эга қишлоқлар ҳувиллаб, табиатнинг ноёб хазинаси йўқ бўлиб кетди. Яъни, булоқлар кўзи битиб, сувлар камайди, жилғалар қуриди. Кўм-кўк адирлар, сойлар ўрнида шағал тошлар, қумлар қолди.

Таниқли ўлкашунос Борис Шалатониннинг таъкидлашича, мамлакатимизда бундай ўз қиёфасини йўқотган даралар жуда кўп. Биргина Навбаҳор туманида уларнинг сони олтита.

Кўриниб турибдики, ноёб хазина бўлмиш даралар инсон кўмагига муҳтож. Бу ҳақда мутасадди ташкилотлар ўйлаб кўрадилар, деган умиддамиз.

Темур ЭШБОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Умумжаҳон банки иқтисодий тараққиёт институти

Ўзбекистон Республикасининг бозор иқтисодиётига ўтиш даври учун долзарб бўлган иқтисодий мавзудаги энг яхши мақолалар юзасидан танлов эълон қилади.

5000 сўздан иборат, варақнинг бир томонига икки интервалда машинкада ёзилган 12 стандарт бет ҳажмидаги мақолалар 1997 йил 1 августдан кечиктирилмай тақдим этилиши лозим.Мақолага унинг асосий мазмуни баён этилган, кўпи билан 300 сўздан иборат қисқача якун ва танловда иштирок этиш ҳақидаги буюртма илова қилиниши шарт.Мақола ва якун инглиз ва рус тилларида икки нусхада тақдим этилиши лозим.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнининг моҳияти акс эттирилган, халқаро аудиторияга ана шу ўзгаришлар жараёни ва натижаларини яхшироқ тушуниш имконини берадиган энг чуқур ва ёрқин мақолалар муаллифларига мукофотлар берилади.

Танловнинг барча иштирокчилари натижаларнинг ёзма тасдиғини оладилар. Танловнинг пировард натижалари 1997 йил октябрининг охиригача эълон қилинади. Ғолиблар Вашингтонга мукофотларни топширишга бағишланган расмий тантанага таклиф этиладилар.Бу билан боғлиқ ҳамма харажатлар Умумжаҳон банки иқтисодий тараққиёт институти томонидан қопланади.

Ғолибларга қуйидаги мукофотлар топширилади:

биринчи -- 3000 АҚШ доллари;
иккинчи -- 2000 АҚШ доллари;
учинчи -- 1000 АҚШ доллари.

Ҳамма ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилиши керак:
Тошкент, «Ўзбекистон» кўчаси, 49.
Тошкент давлат иқтисодиёт университети, маъмурий бино, 4-қават, 411-хона.

Танлов шартлари ва бошқа маълумотларни олиш учун телефонлар: 45-24-42, 45-36-66.



Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси «Жиззахқурилиш» ҳиссадорлик жамияти касаба қўмитаси раиси Шукур Тожиқуловга волидаи муҳтарамаси **Гулфиной САФАРОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Қишлоқ хўжалик илмий-ишлаб чиқариш марказининг жамоаси толали экинлар тажриба станциясининг директори И. Содиқовга ўғли **Аъзам СОДИҚОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Республика халқ санъати усталарининг «Усто» бирлашмаси раҳбарияти ва жамоаси машҳур уста ва мураббий, Ўзбекистон халқ рассоми **Маҳмуд ота УСМОНОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг қариндош-уруғлари ва яқинларига таъзия изҳор этадилар.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Ҳуқуқ ва қонунчилик 36-37-85;
Иқтисодиёт 36-36-65, 36-07-94;
Маънавият 36-35-60;
Тунги муҳарририят 33-10-28;
Эълонлар 36-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 0449, 34.845 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Жалилов.
Навбатчи — Ф. Санаев.
Мусаҳҳиҳ — Ф. Бободўстов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 23.00 1 2 3 4 5 6